

QILA DAVRASIDA

Mustahkam oila – yurt tayanchi

№ 41
(439)
2020-yil
8-oktabr
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqq boshlagan.



БИРИНЧИ БЎЛИБ ЎҚИШ МАШАҚҚАТИ

Халқ ёзувчиси Ўткир
Ҳошимовнинг турмуш
ўртоғи Ўлмасхон
Ҳошимова билан суҳбат

6-бет



«ЖАНГ»ДАН КЕЙИНГИ «ҚАҲРАМОН»ЛАР

ҚАЧОН
УЙҒОНАДИ?

«Айримлар
ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИнинг
саволларига, оммавий
ахборот муҳитини
яратишга чидамаяпти,
адолат овозини
эшитишни хоҳламаяпти.
ЛЕКИН МАЖБУР
БЎЛАДИ. Ёки
хайрлашамиз...»

2-бет

АХБОРОТ МАЙДОНИ

қандай ривож топади?

3-бет

ҚИЁФАСИЗ КИМСАЛАР

Улар фожиаси бадий
талқинда

7-бет

«КАРНАЙЧИ» ТОҒАМ

ёхуд тўйдаги 31-меҳмон

7-бет

СИРЛИ МАКТУБ

ЙПХ ходимининг дарди

8-бет

«Оила даврасида» газетасига

2021 ОБУНА

бошланди

«Оила даврасида» – энг
арзон, энг қизиқарли
ва оилангизнинг ҳар
бир аъзоси учун энг
фойдали нашр!



«Оила даврасида» бу – ўз
фикрингиз, мулоҳазангиз,
муносабатингиз билан
қиқишингиз мумкин бўлган
эркин минбар!



ОБУНА
БЎЛИШГА
ШОШИЛИНГ!

Батафсил
маълумот:

+99897 731-87-01

Обуна индекси –

193

«ЖАНГ» ДАН КЕЙИНГИ «ҚАҲРАМОН» ЛАР

ёхуд танқидни ўз вақтида «эшитмаётган» раҳбарлар қачон уйғонади?



Сўнги кунлардаги икки ҳолат бугун айрим раҳбарлар қонунга, умуминсонийлик принципларига эмас, кўпроқ ўзидан юқори турувчи «катта»ларнинг ёки жиддий таъсир кучига эга бирор шахсларнинг муносабатига қараб иш тутишини кўрсатиб қўйди. Аслида ҳар қандай муаммоли ҳолат юзасидан биринчи бўлиб муносабат билдириши керак бўлган раҳбарлар ҳамон кимлардандир имдод кутиб тургани жуда ачинарли ҳолдир.

Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида «Оммавий ахборот воситалари билан мулоқот қилмаган раҳбарларнинг келажаги бўлмайди. Айримлар оммавий ахборот воситаларининг саволларига, оммавий ахборот мухитини яратишга чидамаяпти, адолат овозини эшитишни хохламаяпти. Лекин мажбур бўлади. Ёки хайрлашамиз», дея бежиз таъкидламади.

Мисол учун, Наманган вилоятида МИБ ходимлари ҳаракатига норозилик сифатида ўзига ўт қўйиб, вафот этган аёл билан боғлиқ гап-сўзлар тинмаяпти. Аввалига ўша аёл уйни ноқонуний сотиб олгани, унинг руҳий ҳолати яхши эмаслиги ҳақидаги гапларга ҳам ишонтирмоқчи бўлишди.

Аммо ижтимоий тармоқларда гап-сўзлар тинмаганидан кейин мавзу анчайин жиддий тус ола бошлади. Кеча Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Васийлик кенгаши раиси ўринбосари Саида Мирзиёева ўзининг телеграмдаги саҳифасида «Биз, ҳозирги кунда журналистлар ҳамжамияти билан биргаликда иккита шов-шувли ҳолатни бирлаштирган «Аёллар мусибатда» мавзусидаги воқеаларни кузатиб бормоқдамиз. Мен учун, ҳам аёл, ҳам она ва гендер тенглиги комиссиясининг аъзоси сифатида бу жуда муҳимдир...» деб ёзганидан сўнг негадир бу масала маҳаллий раҳбарларнинг ҳам бирдан «эсига тушиб» қолибди.

Вилоят ҳокими Шавкатжон Абдуразақов ўзини ёқиб юборган Гуландом



Дадабоевнинг хонадонига борибди. «Бу йигитлар менинг химоям ва қанотим остидадир. Наманганда барча соҳада адолатсизликка қарши курашамиз», дебдилар ҳоким бува. Марҳуманинг 15 ва 12 яшар ўғиллари муносиб шароитларда вояга етишларида ҳар томонлама кўмак берилишини таъкидлабди.

Албатта, вилоят ҳокими марҳуманинг фарзандларига ғамхўрлик кўрсатишга ваъда бериши таҳсинга лойик. Аммо шунча кундан бери ҳеч бўлмаса вилоят МИБ, ИИБ бошлиқлари, суд раҳбарлари бу масала юзасидан нега бир оғиз ҳам муносабат билдириб қўйишмади?

Нега шунақа? Нега аксарият раҳбарлар, айниқса ҳокимлар масаланинг адолатли ва ҳаққоний томонига эмас, «юқори»нинг шунга реакциясига қараб ҳаракатни бошлайди? Нима учун ўз позициясини билдиришда адолатга эмас, унга нисбатан «каттаконлар» фикрига қараб туришади?

Ёки Тошкент вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг бош врачлари, вилоятнинг бош инфекционисти Гулжаҳон Йўлдошевага нисбатан қўзғатилган жиноят ишини олайлик. Бу иш бўйича айбловлар обдан илгари сурилди ва ЖКнинг тегишли моддалари билан айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган ҳамда суднинг ажрими билан унга нисбатан «қамоққа олиш» эҳтиёт чораси қўлланилгани маълум қилинди. Ҳатто «ZO'R TV» айбсизлик презумпцияси ҳамда журналистика қонун-қоидаларига зид равишда «журналистик суриштирув» тайёрлаб эфирга узатди.

Буни қарангки, яқинда Сенат раиси Танзила Норбоева ушбу масала юзасидан муносабат билдириб, «Тошкент вилояти бош инфекционисти Гулжаҳон Йўлдошеванинг кичик ёшдаги болалари борлигини эътиборга олиб, иш бўйича суд ҳукми чиқмагунча уни қамоққа олмаслик ҳам мумкин эди», дея гапирганидан сўнг вазият бутунлай

бошқа томонга ўзгариб кетди.

Кўп вақт ўтмай, шифокорга нисбатан қўзғатилган жиноят иши юзасидан Тошкент вилоят прокуратураси расмий баёнот берди. Баёнотда айтилишича, Бош прокурорнинг ташаббуси билан унга нисбатан қўлланилган «қамоқ эҳтиёт» чораси «уй қамоғи» эҳтиёт чорасига ўзгартириш юзасидан Чирчиқ шаҳар прокурори томонидан судга тегишли илтимоснома юборилган ва суд томонидан прокурор илтимосномаси қаноатлантирилган.

Энг қизиғи, «жанг»дан кейин яна «қаҳрамон» топилди: «Гулжаҳон Йўлдошева аёл киши эканлиги ҳамда қармоғида 6 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини инобатга олган ҳолда, прокуратура идораларидан бошқа эҳтиёт чорасини танлаш масаласини кўриб чиқишни сўрайди», дея Соғлиқни сақлаш вазирлиги муносабат билдирибди.

Афсуски, бундай мисоллар кўп. Мажбурий меҳнат дейсизми, ўқитувчиларни бошқа ишларга жалб этиш масаласи дейсизми, ички ишлар идорасида бир аёлга таҳқирона муносабат дейсизми... Аксариятида масала анча шов-шув бўлиб, давлат раҳбари шу ҳақда гапирганидан кейингина бошқа раҳбарлар «ғимирлаб» қолишган эди.

Хуллас, айрим саволларга қанчалик жавоб кидирмайлик, барибир ўша аёл қайтиб келмайди. Ўша вақтда аёл қаршисида турган қатор давлат хизматчиларидан бирини тўғри қарор қилишга ундай олмайди. Чунки бўлган иш бўлиб ўтди, вақтни орқага қайтариб бўлмайди.

Қачонки ҳамма соҳанинг хизматчиси ўз вазифаси доирасида адолатли қарор қабул қилмас, ҳар бир раҳбар масалага позициясини белгилашда «юқори»нинг имо-ишорасига қараб тураверар экан, қанча ҳамюртларимиз адолатсизлик олови ичида қолиши давом этаверади.

СИЗ КУТГАН СУҲБАТ

ЧИНАКАМ ЁЗУВЧИ АСАЛАРИДЕК БЎЛИШИ КЕРАК



Мен сеvimли ёзувчим Ўткир Ҳошимовнинг асарларини ўқиганимда доимо гоҳ йиғлагим, гоҳ кулгим келади. Нега, дейсизми? Чунки бу адиб қаҳрамонлари шундайки, ўқувчини беихтиёр ўзининг оламига тортиб кетади. Қаҳрамонлар ҳаётига ва тақдирига ўзингиз билмаган ҳолда боғланиб қоласиз. Улар билан бирга куласиз, уларга қўшилиб йиғлайсиз...

Шунинг учун ҳам бу ёзувчи асарларининг илк ўқувчиси бўлиш осон эмас. Бугун биз ана шу инсон билан суҳбат қилишга, адиб билан боғлиқ хотираларни сиз билан бўлишига қарор қилдик. Бугунги суҳбатдошимиз – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг турмуш ўртоғи Ўлмасхон ҲОШИМОВА.

– **Ассалому алайкум, Ўлмасхон ая. Аввало, газетамиз мухлисларига ўзингиз ҳақингизда бироз маълумот берсангиз.**

– Мен зиёли оилада туғилганман. Отам институтда дарс берардилар, олим бўлганлар. Онам ҳам олий тоифали ўқитувчи эдилар. Ёшлиқдан китобга

ошно бўлишимга ҳам оиламиздаги муҳит сабаб. Оиламизда деярли ҳар куни китобхонлик суҳбатлари бўларди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратнинг асарларини 5-синфлигимдаёқ билар эдим. «Минг бир кеча» эртақларини оила даврасида ўқиб таҳлил қилардик.

Ҳозир кўп оилаларда мана шу анъананинг йўқолгани сабабли маънавий бўшлиқ пайдо бўлди. Оилада китобхонлик керак. Китобни ўқиб болалар фикрини билиш ва катталар ўзларининг фикрларини билдириши тарбия учун бениҳоя аҳамиятга эга. Чунки ўзим 47 йил ўқитувчилик қилдим. Она тили ва адабиёт фанидан дарс бердим.

– **Болалик – энг беғубор, энг қизиқ хотираларга бой давр. Ўзингиз ва турмуш ўртоғингиз Ўткир Ҳошимовнинг болалиги ҳақида сўзлаб берсангиз.**

– Биз яшаган давр шунақа эдики, болалигимиз ўта бахтли, эркин, тўқис ўтган дейиш жуда қийин. Чунки Ўткир акангизнинг ҳам, менинг ҳам ёшлигим иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган. Ҳамма урушга сафарбар қилинган, фронт ортида қийинчилик, оғир меҳнат ҳукм суради. Ана шундай пайтда, 1941 йил 5 августда Ўткир Ҳошимов Тошкент шаҳрининг Дўмбиро-бод маҳалласида, пастак, пахса деворли томи лой билан ёпилган, баҳорда қизғалдоқлар очилиб турадиган уйда туғилганлар.

Ўша давр уйларини, болалигини адиб «Дунёнинг ишлари» кассасида аниқ тасвирлаган. Биз ўн беш ёшга киргунимизга қадар ҳаётдаги ҳамма ўзгаришларни кўриб улғайдик. Қийинчиликларни енгишни, қаноатни, умуман ҳамма нарсага шукр қилишни эҳтимол ўша ҳаёт ўргатгандир бизга.

– **«Дунёнинг ишлари» қайнонанинг ҳақида ёзилган экан. Ўткир Ҳошимов отаси ҳақида ҳам асар ёзганми?**

– «Дунёнинг ишлари» нафақат менинг қайнонам, балки ҳар бир ўзбек аёли тийнатиши кўрсатиб берган асар. Ўткир Ҳошимовнинг 50 йиллик юбилейи арафасида дўстларидан бири оилавий шажарамизни келтириб берди. Тошкентда «Халқлар дўстлиги» санъат саройи яқинида гўзал тарихий обида бор: Абулқосимхон мадрасаси. Халқимизнинг атоқли адиби Абдулла Қодирий шу мадрасада таълим олган.

Қизиғи шундаки, Ўткир акангиз ушбу мадрасани қурган Абулқосимхон эшоннинг эвараси экан...

Қайнотам тўғрисида, ўта адолақпарвар инсон эдилар. Ноҳақликни кўрсалар бирпасда ёниб кетардилар. Қайнонам эса ўта камтарин, меҳрибон, фарзандлари учун жонини фидо қилишга тайёр ўзбек онасининг тимсоли эди. У киши юморга бой жуда кўп эртақ ва афсоналарни билардилар. Кейинчалик қайниларим, қайнакаларим, Ўткир акангизнинг ўзи ҳам жуда кўп эсларди «бу эртақни онамдан эшитганмиз», деб. Қўшиқлар, лапарлар айтиб берар эканлар. Эҳтимол ёзувчи бўлишга илк турткини оналари берган бўлиши ҳам мумкин. Қайнотам ҳақида алоҳида асар ёзилмаган бўлса ҳам «Дунёнинг ишлари», «Дафтар ҳошиясидаги битиклар»даги кўп қаҳрамонларда қайнотам қиёфасини кўрганман.

(Давоми 6-бетда.)

АХБОРОТ МАЙДОНИ

«газета ўқимаслик билан мақтаниш» орқали эмас, ошкоралик, холислик, тенг ҳуқуқлилик муҳитидагина ривож топади

« Дунёда ахборот олишга бўлган эҳтиёж ҳам, ахборот тарқатиш шакл-шамойили ҳам, журналистикага бўлган талаблар ҳам ҳар кунини ўзгариб бораётган узлуксиз жараёнга айланиб бўлди. Бугун сўз эркинлигига, ошкораликка эришиш тамойиллари ҳам ўн-ийгирма йил олдинги талабларга мутлақо тўғри келмайди. Жаҳон ахборот майдонидаги эврилишлар ҳар қандай шароитда ҳам у ёки бу кўринишда исталган мамлакат ҳаётига кириб бораверади.

Ўзбекистон ҳам глобал ахборот майдонида қайнаши турган гап. Ахборот олиш эркинлигини, ошкоралик муҳитини яратиш биринчи галда чексиз ахборот тўрининг талабидир. Бугун бутун дунёда вазият шундайки, ахборотни сен биринчи бўлиб бермасанг, у барибир бошқа жойдан, бошқа манбалардан сизиб чиқаверади. Ана шунинг учун Ўзбекистонда ахборот олиш эркинлиги, аҳолини ҳаққоний ахборот билан таъминлаш масаласига эътибор қаратиш орқалигина мамлакат имижини дунё микёсида яхшилаш мумкинлигини англамасдан илож йўқ.

Аммо кейинги пайтларда мамлакатдаги ахборот тизими, оммавий ахборот воситаларининг бугунги фаолияти, улардаги холислик ва тахлилийлик ҳақида турли баландпарвоз гаплар пайдо бўлди. Баъзи бир раҳбарлар бир неча ўн йиллардан бери жамият ҳаётини ёритиб, мавжуд муаммоларга ўз ёндашуви ва муносабатини, жамоатчилик нуқтаи назарини холис ифода этиб, аҳолини қийнаб келаётган оғриқли масалаларга ечим топишга кўмаклашиб, мудроқ масъулларни уйғонишга чақириб келаётган босма нашрларнинг «ўлими»дан «башорат» бера бошлади. Соҳанинг юқори лавозимдаги раҳбарлари шундай муносабат билдиргач, қуйидагилар барча матбуот нашрларидан батамом воз кечиш йўлига ўтди. Оқибатда, маънавият, ўй-фикр ва мулоҳаза ахборот майдонидаги янги-янги тахлилий маълумотлар

Афсуски, бу айни ҳақиқат эди. Бевосита оммавий ахборот воситалари соҳасига раҳбарлик қилиб, шу фаолиятнинг ривожини учун ҳаракат қилишга энг биринчи навбатдаги масъуллар «газета ўқимаслиги билан мақтаниб» турса, бошқалардан нима кутиш мумкин? Аслида бундайлар қайси йўл билан бўлса-да, халқнинг ўзига керакли ахборотга эга бўлиши учун хизмат қилиши керак эмасми?

Бугун дунёнинг ривожланган давлатлари ҳам матбуотдан воз кечаётгани йўқ. «Ўзингиз биласиз, дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу – Япониядир, – деди Президент бу ҳақда фикр юритар экан. – Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? **Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио-телевидение, интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор.**»

Сўнгги кунларда интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситаларининг олдинги ва ҳозирги аҳоли ҳақидаги баҳслар тинмаяпти. Бу баҳсларга 28 сентябрь кунини «Халқаро ахборотдан эркин умумфойдаланиш кунини» муносабати билан бўлиб ўтган халқаро онлайн-конференциядаги айрим фикрлар сабаб бўлди. Яқин кунларгача Ўзбекистон медиа-ахборот майдони мувофиқлаштирувчи органи бўлган Ахборот ва оммавий коммуни-

аҳолига керак бўлган маълумотни эмас, балки ўзи тўғри деб билган маълумотларни тарқатиш билан шуғулланган.

Одамлар ташвишлари ва муаммолари деярли ёритилмаган. Сканворд, кроссворд ва мунажжимлар башоратлари ёки «сарик матбуот»дан бошқа нашрларнинг барчаси мажбурий обуна ҳисобидан кун кўрган. Журналистларнинг дардини фақат аноним шаклда бирор ижтимоий тармоқда қолдиришдан бошқа иложи бўлмаган», дея маърузачи ўзининг «холис» фикрларини билдириб ўтган.

Келинг, асосий гапга ўтишдан олдин ижтимоий тармоқларда ушбу фикрга билдириладиган айрим муносабатлардан фақат биттасини келтирсак. «Mufasa» телеграм канали: «Мени хурсанд қилган нарсаси жаноб Алламжонов мажбурий обунага тўхталиб ўтгани бўлди. Зеро матбуот ҳақида гап кетганида, ўша ола-бўжи даврда бўлган мажбурий обуна ҳақида тўхталиб ўтмасан бўлмайди.

Шу ўринда, айнан Алламжонов ДСҚ раиси матбуот котиби – ахборот хизмати раҳбари бўлиб ишлаган даврда солиқчилар томонидан республикадаги барча тадбиркорларни «Soliq Info» («Soliq Info Tahririyati») газетасига мажбурий тарзда обуна қилинганлигини эслаб ўтишни жоиз деб ўйлайман...

Қизиқ жойи шундаки, «Soliq Info» газетаси ва бухгалтерлик фаолиятини автоматлаштириш бўйича ВЕМ дастурий маҳсулотини ва бошқаларни асосчиси – К.Алламжонов ҳисобланади.

...Ўзбекистонда монополияга айланмоқчи бўлган, айнан К.Алламжонов асос солган «Avtotest» («Avtotest Report» МЧЖ) машинаси ва унинг қинғирликлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтиш шарт эмас...» (https://t.me/mufasa_mh/120).

Аслида холис ахборот тарқатиш

нинг ўша вақтдаги обуна нархи 300-350 минг сўм атрофида, унинг босма табоғи билан тенг бўлган бошқа нашрларники эса бор-йўғи 50-60 минг сўмни ташкил этар эди. Ҳа, яшанг, мажбурий бўлгандан кейин хоҳлаган нархни қўйган-да.

Майли, ўтган вақт ўтди, ўзимиз айт-япмиз уни қайта-қайта «чайнаш»дан наф йўқ деб. Хўш, ахборот олиш ва уни тарқатиш борасидаги бугунги аҳвол қандай? Электрон ОАВларида эълон қилиниб, кўп ўтмай олиб ташланаётган «404»лар ҳақида тўхталишни нега ҳеч ким ўзига эп кўрмайди? Мажбурий обуна ҳақида бот-бот гапиришни яхши кўрадиганлар нега бугун ўша эски анъанада ҳамон «жаннатдан хабарлар»ни ёритиб келаётган нашрлар обунаси анча дадил, деярли ҳар бир сонидан танкидий материаллари билан одамлар муаммоларини айтаётган саноклигина нодавлат нашрлар эса тобора «ўлим» ёқасига бориб қолгани ҳақида ҳеч нарсаси демагани кизик.

Буердаёки обуна тизими, ёки босма нашрларга ёндашув мезони хато экани кўриниб турибди-ку.

Шу соҳага раҳбарлик қилганлар мана шу муаммони бирор марта бўлса-да кўтармагани, матбуот нашрларида суяги қотган, тахлилий-танкидий материаллар, холис ахборотларни ёзишнинг устаси бўлиб кетган журналистларга кенг майдон яратишга ҳаракат ҳам қилмагани жуда ҳам ачинарли эмасми?

Профессионал журналист тайёрлаётган материал билан ижтимоий тармоқлару турли телеграм каналларида айланаётган «хайп»ларнинг орасида қатта фарқ бор. Буни соҳа мутахассислари яхши англашига заррача шубҳамиз йўқ. Шундай экан, уларга барқарор ва жиддий, жамият ҳаётига ижобий таъсир кўрсата олувчи механизм сифатида қараш зарур.

Мавзу ахборотдан эркин умумфойдаланиш масаласи экан, айтиладиган гаплар ҳам шунга муносиб холисона, аниқ тахлилларга асосланган бўлиши керак. Зотан бугунги ўқувчи ҳам кечаги эмас, ҳеч нарсани эсидан чиқармайди ва ҳар бир ахборот ортида нима борлигини яхши англайди.

Шунингдек, давлат раҳбари босма нашрларни етказиб бериш тизими бугунги кун талабига мос эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтди.

«Бугунги кунда босма нашрларни таълим муассасаларига, ўқитувчи-профессорларга етказиб бериш ҳам жиддий муаммага айланган. Чунки бу борада матбуот тарқатиш ва почта тизимининг фаолияти мутлақо талабга жавоб бермайди.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда босма матбуот нашрлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусан, мактаб ва олийгоҳларни педагогик фаолият учун зарур нашрлар билан таъминлаш, уларнинг кутубхоналарини ўқув ва бадий адабиётлар билан тўлдириш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин».

Оммавий ахборот воситалари, хусусан, босма нашрлар ҳали ҳеч қайси давлатда узил-кесил ўз ўрнини бошқа бир муқобил механизмга бўшатиб бергани йўқ. Ўзбекистон ҳам бу жараёндан четда эмас. Давлат раҳбарининг юқоридаги фикрлари соҳага яна эътибор қаратилишидан далолат берапти. Натижани эса, вақт кўрсатади.



билан озикланишдан тўхтаб қолди...

Кўпчиликни ташвишга солиб келаётган бу масалага 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан ўтказилган тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев алоҳида муносабат билдириб ўтди:

«Афсуски, биз кейинги йилларда «мажбурий обуна» баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлдилар...»

қациялар агентлигининг собиқ раҳбари бугунги барча ишларда ўзини бош-қош бўлгандек иддаода тутгани, қолаверса, ўзбек журналистларининг шу вақтгача бўлган фаолиятини бутунлай чикитга чиқариб ташлагани ғалати бўлди.

«Ўзбекистонда ахборотдан эркин фойдаланиш имконияти яқин-яқингача аянчли аҳволда бўлган. 2016 йилга қадар ўзбек журналистикаси «кома» ҳолатига тушиб қолган эди. Ўлиб-ўлмаган, яшаб-яшаб кетмаган. Телевидениеда фақат бачкана мақтовлар, газеталарда фақат «жаннатдан хабарлар» ёритилар эди.

Бу ҳозир кулгилидир, лекин, афсуски, ҳолат худди шундай бўлган. Давлат

ҳақида ваъз ўқийдиган одам мана шу ҳақиқатларни ҳам очик-ойдин айтиши керак эди. Кечаги куннинг хатолари кўпчиликка нотаниш эмас. Шундай экан, ҳар икки гапнинг бирида айбни кечаги кунга ағдариш билан нима ўзгаради? Агар ўша даврда ҳам ҳозирги кундаги каби позицияда мустаҳкам турган одам бўлса бошқа гап.

Лекин бугун ўзи аёвсиз танқид қиладиган даврда даврон сурган бўлса, ўзи тинмай қоралаётган мажбурий обуна орқасидан йирик бизнесига асос солган бўлса-чи? Шу ўринда битта факт: мажбурий обуна билан кун кўрган нашрлар қаторида турган «Soliq Info» газетаси-



КВАРТИБ ТУРГАН

АТИБ томонидан аҳолига тақдим этилаётган

Мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи бугун энг жиддий ва устувор вазифалардан бирига айланган. Ҳар бир оила қулай ва шинам уйга эга бўлиши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бу жараёнда тижорат банкларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз. Айниқса, «Ипотека-банк» АТИБ томонидан бу борада ҳаётга татбиқ этилаётган янги-янги лойиҳалар уй-жойга эга бўлишни истаган барча аҳоли қатлами учун катта имкониятлар яратмоқда.

Остонадан бошланаётган Ватан

Халқимизда «Ўз уйинг – ўлан тўшагинг» деган нақл бежиз пайдо бўлмаган. Янги оила бунёд этиб катта ҳаёт сари қадам қўяётган ҳар бир инсон борки, аввало ўз уйига эга бўлишни, халқона тарзда айтганда ватанли бўлишни истайдди. Зотан инсон тафаккуридаги эркинлик, мустақиллик, қўйингки, барча инсонийлик хислатлари аввало ана шундай ватанли бўлишдан бошланади. Ўзининг муқим яшайдиган уйига эга бўлмаган киши ўзини ҳеч қачон чинакам эркин ва мустақил санай олмайди. Шу боисдан ҳам уй-жой масаласи нафақат ижтимоий эҳтиёж, балки инсон яшаши, турмуш тарзи, онг ва тафаккурига боғлиқ бўлган жиддий иш ҳисобланади.

Қайсидир маънода ўз уйи, ўлан тўшагига, яъни эл таъбири билан айтганда ўз «кичик ватани»га эга бўлган оилани эркинликни, мустақилликни қўлга киритганлар сафига бемалол қўшса бўлади. Негаки, диёримизда,

риш-турмишида хузур-ҳаловат бўлмаслиги тажрибада кўп бора кузатилган. Боиси юрса ҳам, турса ҳам уйли бўлиш ташвиши унинг қалбини кемтик қилиб туради.

Мана шу каби кўплаб омилар эътиборга олиниб аҳолига ўзи истаган манзилдан уй-жой сотиб олишлари учун мавжуд молия муассасалари томонидан етарлича кредит маблағлари ажратилишига изн берилди. Бу бир қараганда, шу маҳалгача ижарама-ижра юрган, топган маошини ижара ҳақиға тўлаётган кўплаб оила соҳиблари кўнглида умид шуъласини ёққани рост. Шунинг учун бундай одамлар бир-бирлари билан учрашиб қолишганида, «қандай олсам экан, бу ташвишлардан кутулиш йўли бормикан» деган саволу сўроқлар ўрнига, ишонч билан «шундай қилса, бўлар экан-ку» дейишмоқда. Аслида бу ҳам оддий одамлар ташвишини аритиш мақсадида қўл урилган навбатдаги эзгу ва савобли амаллардандир. Зотан, ватанпарварлик ҳам, юртга муҳаббат ҳам ана шу янги хонадонлар остонасидан бошланмоқда.

ли хил ташкилотларга кунда-кунора бўзчининг моқсидек қатнайвериботинка-мадори куриди. Бу борада у қанчадан-қанча расмийтчи, каландимоғ, сиркаси сув кўтармайдиган, қоғозбоз бўлган турли маҳаллий раҳбарлар билан рўбару келиб олишмади дейсиз. Лекин унмаган жойини ундиришга, йўқдан бор қилишга бўлган умидини асло сўндирмади. Ақобирлар билан ораларидан қанчадан-қанча иссиқ-совуқ гаплар ўтмаган бўлмасин, ҳатто унинг муҳолифлари ҳам унинг сабр-бардошига, чидам-тоқатига, салоҳиятига тан беришдан бошқа иложи қолмади. Ўт-шудли, уздабурон эканлигидан кўз юма олмадилар. Нима бўлганда ҳам, у оиласи, бола-чақаси учун қайишиб, югуриб-елиб, тортишиб сираям кам бўлмади. Ҳаётда рўй берган бир воқеа сабаб у шундай бир ҳақиқатни англадики, сабр билан кутиш, яхшилик, меҳр-оқибат ҳеч қачон ерда қолмас экан...

Обод кентлар довуғи

Биласиз, одамларимиз юз бир гапирган гапларга эмас, бир қилган ишингдан улги, ўрناق оладилар. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони аҳолининг уй-жой билан таъминлаш борасида муҳим ислохотларнинг узвий узаги бўлди, десак асло муболаға қилмаган бўламиз. Қолаверса, мазкур муҳим ҳужжат сабаб, кўпдан-кўп ноқулайлик ва тушунмовчиликларга узил-кесил чек қўйиладиган бўлди. Гап шундаки, мазкур ҳужжатда таъкидланганидек, 2020 йилдан бошлаб аҳолига тижорат банклари томонидан янги тартиб асосида ипотека кредитлари ажратиш йўлга қўйилди. Одамнинг кўнглини кўтаридиган жиҳати шундаки, эндиликда кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия тўланади.

Аслини олганда, бу ҳам давлатимиз томонидан аҳолига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёркин ифодасидир. Эндиликда фуқаролар бирламчи бозордан исталган жойдан ўзи танлаган уй-жойни ипотека кредити ҳисобига сотиб олиш имкониятига эга бўлди. Қолаверса, шу ўринда айрим шахсларга (кам даромадли ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларга) ипотека кредитлари учун субсидиялар ажратилишини ҳам ёддан чиқармаслик керак бўлади.

Шу ўринда ипотека кредитлари аҳолига неча йил муддатга ажратилди деган савол пайдо бўлиши табиий. Уларга шуни маълум қиламизки, дастур доирасида ипотека кредитлари аҳолига йигирма (20) йил муддатга тижорат фоиз ставкаларида (бузунги кунда 18-19 фоиздан) аннуитет тўлов шарти билан ажратилади. Бошланғич бадал эса йигирма фоиздан кам бўлмаслиги зарур. Айрим шахсларга уй-жой бошланғич бадал суммасининг тенг ярми ва кредит фоизларининг вилоят шаҳарларида 10 фоиздан ва Тошкент шаҳрида 12 фоиздан ортган қисми давлат бюджети томонидан тўлаб берилади. Бу ҳам оилаларга

маълум маънода қулайлик яратади.

Кредитлар мамлакатимизда энг аввало давлат дастури доирасида ажратилишини эслатиб ўтмоқчимиз. Ушбу кредит аҳолига 20 йил муддатга 1 йил имтиёзли давр билан дастлабки 5 йилда 7 фоиздан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида бўлиши аниқ кўрсатиб ўтилган. Масалан, фуқаро томонидан сўралган 260 млн. сўм мисолида банк томонидан фуқароларга тақлиф этилаётган ипотека кредитлари бўйича ойлик кредит тўловларини ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, уй-жой баҳоси 260. млн. сўм бўлганда, бошланғич бадал 39 млн. сўм, ипотека кредити 221 млн. сўм бўлишини айтиб ўтмоқчимиз. Фуқаро бунда ҳар ойда 3 млн. 210 минг сўм тўлаши зарур бўлади.

Албатта, дастур доирасида қурилаётган уй-жойлар қиймати асосиз ортининг олдини олиш, уйларнинг қурилишида маҳаллий хом ашё, замонавий материаллардан кенг фойдаланиш масалаларига мамлакат раҳбарияти томонидан катта ва жиддий аҳамият берилмоқда. Бу борада кучли назорат ўрнатилган деб бемалол айта оламиз. Уй-жойлар қурилишида ишлатиладиган асосий қурилиш материаллари – ғишт, том ёпиш материаллари, эшик, ром каби ёғоч материаллар умумий бинокорлик ашёларининг катта қисмини ташкил этишини инobatга олган ҳолда, уларни ишлаб чиқарадиган илҳам ва замонавий қувватларни ишга тушириш асносида нархларни мақбуллаштириш борасида ҳам бир қатор режали тадбирларга қўл урилди.

«Ипотека-банк» АТИБ юқорида белгиланган вазифалар билан бир қаторда, мамлакатимиз молиявий хизматлари бозорида универсал банк сифатида фаолият қўламини кенгайтириб, ўз мижозларига кенг қўламли банк хизматларини кўрсатиш, банк хизматлари сифатини замонавий талаблар даражасига кўтариш юзасидан изчил фаолият олиб бормоқда. Бунинг эътиборингизга ҳавола этилаётган қуйидаги рақамларда ҳам кўрсатилди. Молия муассасасининг мустаҳкам ресурс базасини шакллантириш, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда барча асосий кўрсаткичларнинг ижобий бўлиши юзасидан доимий тарзда амалий чоралар қўриб борилмоқда. Масалан, биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2020 йил 1 майдаги «Аҳолини уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижоросини таъминлашга киришилганига маълум бир вақт бўлди. Очиги, **мазкур ҳужжатларга кўра, 2020 йилдан бошлаб аҳолига ипотека кредитлари фақатгина аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига эмас, балки аҳолининг барча қатламларига тижорат шартларида ипотека кредитлари ажратилиши йўлга қўйилади.** Юқорида айтиб ўтганимиздек, эндиликда ипотека кредитлари асосан давлат дастури доирасида қуриладиган уй-жойлар учун эмас, балки барча қурувчилар томонидан



она тупроғимизда, аҳли хонадонимизда тинчлик, тотувлик, меҳнату ижод равнақ топаётганидан бошимиз кўкларда, кўнглимиз бир қадар хотиржамдир. Лекин буларнинг бариси уй-жойсиз, бошпанасиз сира-сира татимайди, сингмайди. Чиндан ҳам, одам боласининг рисоладагидек умргузоронлик қилиши, бола-чақаси билан тинч-тотув, аҳил-иноқ, оёғини бемалол узатиб ҳаёт кечиришида бошқа омилар билан бир қаторда, уй-жойли яъни «ватанли» бўлиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Дарҳақиқат, муқим турар жойи бўлмаган инсоннинг ишида унум, ту-

Узоқ куттирган бахт

Аслида турар-жойга талаби бўлган кўпдан-кўп оилалар ўзи вақтинчалик ижрада турган маҳалласидагина эмас, балки республика миқёсидаги турли таъминот, қурилиш ташкилотлари, идоралар, ҳокимият раҳбарларига ҳам яхши таниш бўлиб қолганлар. Хонадон соҳиби Солижон тириклигида, оёқда мустаҳкам турганида ижарама-ижара сарсон-саргардон юрган оиласини уй-жойли қиламан, бола-чақам ўша жойда яйраб-яшнаб яшасин, дея тур-

УЙЛАР СИЗГА МУНТАЗИР

уй-жойлар бугунги замон талабларига жавоб беради

барпо этиладиган уй-жойларга бир хил шартларда ажратиладиган бўлди.

Амалга оширилган бу ишлар натижасида мамлакат қурилиш бозори янада эркинлаштирилишига ва рақобат муҳити ривожланишига кенг имкон туғилади. «Ипотека банк» мазкур қарор ва фармон талабларидан келиб чиқиб, кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларига кредитлар ажратиб келмоқда. Қурилиш ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, қарорга асосан қурилиш ташкилотлари тижорат банкларидан кредит оладиган ҳолларда 8 миллиард сўмгача, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафилигини олиши ва 20 миллиард сўмгача олинган кредит фоизларини Марказий банк асосий ставкасидан баланд бўлган қисми (10 банддан ортиқ бўлмаган миқдорда) жамғарма томонидан қоплаб берилиши белгиланган. Бу орқали эса қурилиш ташкилотларига бир қатор енгилликлар яратиб берилди. Бу имконият уй-жой қурилиши билан шуғулланувчи кўплаб меҳнат жамоаларини хурсанд этмоқда.

Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарлари кейинги йилларда гулу гулзорларга бурканиб бораётгани рост. Бироқ катта шаҳарлардаги қурилишлар, қад ростлаётган янги уй-жойлар кентлар чиройига ўзгача чирой кўшмоқда. Бунга ҳар бир элдошимиз шахсан гувоҳ бўлиб турибди. Бугунги кунда «Ипотека-банк» АТИБ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида умумий майдони 365,5 минг кв.м бўлган 4831 хонадондан иборат 73 та кўп қаватли уй-жойлар қурилишини молиялаштириш учун 48 та пудрат ташкилотларига 607,3 млрд. сўм миқдорда кредит линияларини очиб, ҳозирда кредитлар босқичма-босқич берилляпти. Мазкур уй-жойларнинг қиймати эса 1 трл. 585 млрд. сўмдан иборатдир. Таъбир жоиз бўлса, ушбу маблағлар эвазига қурилган уйларга қанчадан-қанча оилалар кўчиб киради. Уларнинг узок йиллик орзу-армонлари ушалади.

Тагин муҳим бир гап. Янги тартиб бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасидан 2 557 хонадонли 31 та кўп қаватли уй-жой бўйича 187,5 млрд. сўмлик кредит учун компенсация ва 59 млрд. сўмлик кафилигидан фойдаланиш юзасидан шартномалар имзоланди. Қолаверса, пудратчилар томонидан уй-жойлар қурилиши яқунлангандан кейин, ушбу уй-жойлар аҳолига узок муддатли ипотека кредитлари асосида сотилишидан келиб тушган маблағлар ҳисобидан сўндирилади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, молия муассасаси томонидан пудратчи ташкилотларга қурилиш учун кредит ажратиш борасидаги ишлар ҳам тобора авж олиб бормоқда.

Банк томонидан кўп қаватли уй-жойларни қуриш учун кредитлар уй-жой қийматининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги ўз айланма маблағларига, етарли моддий-техника базаси ва тажрибали мутахассисларга эга пудрат қурилиш ташкилотларига ажратилади. Пудрат қурилиш ташкилоти бир вақтнинг ўзида ҳам буюртмачи, ҳам пудратчи сифатида фаолият кўрсатади. Кредитдан фойдаланиш муддати уй-жойни фойдаланишга топшириш, ундан квартиралар сотувини амалга ошириш муддатидан келиб чиққан

ҳолда 2 йил этиб берилди. Бунда кредит фоизи тижорат шартлари асосида бўлишини унутмаслик керак.

Банкда бўлган куним етарли миқдорда кредит олиб, уй-жойга эга бўлган ёш оилани учратдим. Жажжигина, эндигина қадам босаётган ўғилчасининг кўлидан тутган бу жуфтлик чиндан ҳам бахтиёр, шод эди. Гуёки, улар ҳаётдан, кўрган кунидан масрур бўлганича, осмонларда сузиб юрарди. Улар ортидан кўпчилик ҳавас билан анчагача қараб қолишди.

Қалбни ёлқинлантирган шуъла

Яқинда Олой бозори яқинидаги йўлакдан кета туриб бир танишимни учратиб қолдим. Салом-алик қилиб, ҳолаҳвол сўрашдим. Унинг оғзи қулоғида. Нақд бойлик топиб олгандек илжайгани-илжайгани. Гап мавриди айланиб келиб, уй-жой масаласига бориб тақалди.

Шунда танишим узок йиллар давомида оиласи билан халқ тилида «хуришчёвқа» деб атайдиган, тор, каталикдек келадиган, ноқулай «дом»да умргузаронлик қилиб келганлигини афсус, надомат билан куйиниб гапириб қолди: «Агар ўша «дом»га уч-тўртта меҳмон келиб қолса-ку, ташвишимиз, бесаранжомлигимиз ўн чандон ортарди. Дард устига чипқон, деганларидек яна тагин қатор ноқулайликлари одамнинг тинкасини қуритарди. Шу боисдан бўлса керак, биринчи имконият туғилиши билан ўша жойдан бошқа манзилга кўчиб кетишни дилимга тугиб қўйгандим. Буни қаранг, шу аснода давлатимиз томонидан биз сингари кўплаб инсонлар қалбини кемираётган масалани ҳис этишга, савобли ишга жазм этилибди.



Тўғрироғи, уй-жойга эҳтиёжи бор оилалар учун зарурича ипотека кредитлари ажратиб бериладиган бўлди. Тўғри, кредитнинг фоизлари сал юқорирок бўлса, биз бу енгилликдан иложи борича тезроқ фойдаланишга ҳаракат қилдик...» Назаримда танишим ўзи ва оиласини узок вақтдан буён қийнаб келаятган ҳолат сабабини очиқ-ойдин, лўнда ва содда тилда ифодалаб берган эди.

Рости, юқоридаги сингари аввал пухта ўйланмасдан, ўзлари билганича, кўпгина зарур шарт-шароитлар инobatга олинмасдан қурилган каталакдек «дом»ларда иложсиз яшаб, дарди-дунёси ичида юрган сон-саноксиз юртдошларимизга сўнгги вақтда кўп бора дуч келяпмиз. Ҳаттоки, замонавий, шаҳарсозликнинг барча қонун-қоидаларига амал қилиб барпо



этилган бундай уйлари бутун умр орзу қилиб, ҳаётдан ўтиб кетган инсонлар ҳам кўп учради. Аслида инсон саратоннинг эринчоқ илимлик шамолдек ҳаммани лоҳас қилиб дунёдан ўтиб кетмасдан бурун уй-жойга эга чиқиши керак эмасми. Не умидлар билан ўша қувончли кунни кутган, уй-жой сотиб олади деган хонадон эгаларининг кўпчилиги орзусига етолмади. Минг афсуски, маълум бир вақт ушбу омил назардан четда қолди. Бу эса аҳоли орасида норозилик кайфиятини туғдиргани ҳам афсуски, рост.

Мана, вазият бутунлай бошқа томонга ўзгармоқда. Сўнгги вақтларда аҳолига ўз вақтида пухта лойиҳалар асосида, барча шарт-шароитлар муҳайё этилган уй-жойлар таклиф этилмоқда. Чунки, бундай қурилган уйлар шаҳар қиёфасини безайди. Давлат раҳбари ўзининг қатор чиқишларида бот-бот, турар жойлар масаласини ўртага ташлаётгани бежиз эмас. Кўйингчи, иморатни агар меъмор-

Биласизки, кўплаб элдошларимиз яшаш шароитларини эпакага келтириш, уй-жойини тиклаш учун қимматли вақтларини аяшмайди. Бугун узокни кўзлаб иморат солаётган замондошларимиз ўз зурриётларининг келажакда муайян турмуш ташвишларидан холи бўлишлари, яхши яшашлари, янада унумли ишлашлари учун мустаҳкам, пишиқ-пухта пойдевор қўймоқдалар. Тагин-да бу сингари эзгу-савобга йўғрилган ишлардан жамиятимизнинг эртаси манфаат кўради. Шу маънода, давлат раҳбари бу масалага алоҳида эътибор қаратаётганлигининг моҳияти рўй-рост ойдинлашмоқда.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмасак бўлмас. Гап шаҳарларда қурилиш компаниялари, қўли гул қурувчилар томонидан барпо этилаётган бир-бирдан кўркам, осмонўпар кўп қаватли уйлар бир неча авлодга хизмат қилиши ҳақида борар экан, менинг назаримда, бунда яшаш тарзимиз, менталитетимиз, миллий-маънавий кадриятларимиз инobatга олиниши керак. Меъморлар томонидан тайёрланаётган лойиҳалар пишиқ-пухта, маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда, кенг ва ёруғ, энг муҳими чўнтақбоп бўлиши зарур. Қолаверса, кўп қаватли уй-жой ҳовлисига экилган арча дарахти, кўм-кўк майсазор, йўлкалар, кўркам манзара кишига руҳий кўтаринкилик, хушқайфият бағишлайди. Камина шаҳарларимиз кўрқига-кўрк қўшаётган, қараса, бошидан қалпоғи тушиб кетадиган ушбу замонавий кўп қаватли иморатларни «Қулиб турган уй» деган бўлардим. Негаки, бундай уйларда ҳар қандай одамнинг хуморидан чиққунча яшагиси келади.

Сирасини айтганда, «Ипотека банк» ва унинг жойлардаги филиалари жамоаларининг барча диққат-эътибори давлатимиз раҳбарининг иқтисодий таракқий эттириш, кишлок ва шаҳарларда бунёдкорлик ишларини изчил олиб бориш, айниқса, зиммаларидаги вазифа ва топшириқларни тўлиқ ва вақтида адо этиш ҳамда бошқа тадбирлар асосида халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга эришиш борасидаги устувор вазифаларни бекаму кўст бажаришга қаратилмоқда. Зеро, одамлар қалбидан муносиб жой олиш ҳар қандай жамоага ҳам насиб этавермайди. Ана шу машаққали ва шарафли йўлда «Ипотека банк» жамоасига омад тилаймиз.

Улугбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» мухбири

Хизматлар лицензияланган.

ЧИНАКАМ ЁЗУВЧИ АСАЛАРИДЕК БЎЛИШИ КЕРАК

(Бошланиши 2-бетда)

– Оиладаги таълим-тарбия қандай бўлган? Фарзандлари мана шундай улуг инсон бўлиб етишишида уларнинг ўрни қандай бўлган, деб ўйлайсиз?

– Ўтқир акангизда оиласидаги тарбия нақадар тўғри олиб борилгани шундоқ билинарди. Уйда отанинг ўрни сезилиб турарди. Отага бўлган ҳурматнинг кучли бўлишида ҳам онанинг ўрни катта. «Даданг келяптилар, ҳамма ёққа қара, жойларни сол, ҳовлини супур, овқатни суз...» Ёшлиқдан уқтириб келинган мана шундай гаплар орқали оилада отанинг мавқеи шаклланади ва бу фарзандлар онгида умрбод қолади. Бу оила доим отанинг қанчалар азиз инсон эканини ҳис қилиб яшаган. Мана шу Дўмбиробод мавзесида жойлашган хонадонни ака-укалар, қайнотам бирга қуришган. Ўтқир Ҳошимов ҳашаматни хушламас эди, доим оддий уйда, оддий яшашни ёқтирардилар.

– У кишининг яна қандай хотираларини тез-тез эслайсиз?

– Хотираларнинг бирида оила даврасида гаплашиб ўтирганимизда 6-синфда ўқир эдим, – дедилар. Мактабларида рус тилидан тадбир ўтказишибди ва Ўтқир акангиз Пушкиннинг бир шеърини ёдлаб айтиб берибдилар. Шунда ўқитувчилардан бири «Бу боладан ё ажойиб ёзувчи, ё шоир чиқади!» – деган экан. Чиндан ҳам Ўтқир Ҳошимовда ёшлигидан бошқача истездор бор эди.

Яна бир қизиқ воқеалардан бири. «Икки эшик ораси» романининг ёзилиш жараёнида, 1982 йили Пицунда шаҳрига бордик. Ёзувчилар ижодий уйдан жой беришди. Мен болаларни денгизга айлантиргани олиб бораман, бу киши деярли хонадан чиқмай ишлайдилар. Орадан ўн кунлар ўтди. Бир гал хонага қайтсак, ёзган нарсаларини йиртиб ташлаётдилар. Ҳай-ҳайлаб бир қисмини олиб қолдим. Қўлёзма сарлавҳасини шунда кўрдим «Эртага – куз!» Юз бетлар чамаси ёзилган экан, деярли ҳаммаси йиртилиб бўпти.

«Нега ундай қилдингиз?» – десам қўл силтадилар: «Бўлмайди. Сигмаяпти!..» Қўлёзманинг омон қолган қисмларини ўқиб кўрсам, бинойидек ёзилган. Нима «Бўлмагани», нима «Сигмагани»ни

этилди. Турли давлат тилларига таржима қилиниб, бутун дунёда машҳур бўлди.

– Ўтқир Ҳошимов асарларидаги қаҳрамонларни ҳаётдан олганми ёки ҳаммаси тўқимами?

– Унис ҳам, буниси ҳам эмас. Чумоли нимаки топса уясига ташийди. Ўргимчак ичидан суюклик чиқариб тўр тўқийди. Чумолига ўхшаб, йўлидан нимаки кўрса ҳаммасини қоғозга туширадиган ёзувчи чинакам ёзувчи эмас. Ўргимчакка ўхшаб уйига биқиниб олиб, ҳар нарсани ичидан тўқиб чиқарадиган одам ҳам чинакам ёзувчи эмас. Чинакам адиб асаларига ўхшаши керак.

Асалари бир грамм бол йиғиш учун миллионлаб гулга қўнади. Шунга яраша шарбат тўплаш учун 46 минг чақирим масофани учиб ўтаркан. Бундан ташқари болари ҳар томчи гул шарбатини хартумчасидан 240 марта тўқиб, қайта ютиб, ишлов бераркан. Аммо бу ҳали асал тайёр бўлди дегани эмас. Шундан кейин ҳам болари асални махсус катакчаларга жойлаб, бир неча соат мобайнида қанот қоқиб, ҳаво юбориб тозаларкан. Асал айнамаслиги учун. Ҳақиқий асар дунёга келгунча қаламқаш ҳам тахминан шунча азият чекади. Шундагина асар айнамайди.

– Ўтқир Ҳошимовнинг устозлари ҳақидаги фикрлари қандай эди?

– Ўша пайтдаги устозларининг тарбиясини, жон қуйдириб берган билимини ҳеч қачон унутмаганлар. Мактабдаги ўқитувчилари ҳақида гапирганда кучли математика

Уйда отанинг ўрни сезилиб турарди. Отага бўлган ҳурматнинг кучли бўлишида ҳам онанинг ўрни катта. «Даданг келяптилар, ҳамма ёққа қара, жойларни сол, ҳовлини супур, овқатни суз...» Ёшлиқдан уқтириб келинган мана шундай гаплар орқали оилада отанинг мавқеи шаклланади ва бу фарзандлар онгида умрбод қолади.

тика домлалари, тил-адабиёт ўқитувчиларини жуда кўп эслардилар. Устозлари ҳақида «Мактабим» номли кичкина қатра бор. Мактабни чархпалакка ўхшатганлар. Чархпалак айланиб-айланиб ҳар бир томчи сувини далаларга тарқатгандек, мактаб ҳам қанча-қанча авлодларни таълим бериб, тарбиялаб ҳамма ёққа тарқатиб юборади, – деган эдилар.



ганлар, чап қўллари билан доскага ёзиб бизга дарс ўтардилар. Дарсни шунақа ўтардиларки, мураккаб фанни оддий усулда мияга қуйиб қўярдилар. Мен шу устозларимнинг таълим-тарбияси билан ҳозиргача яшайман.

Миллий университетда Ғулом Қаримов, Аюб Ғуломов, Матёқуб ака, Фозила опа дарслари ҳали-ҳамон эсимда. Масалан, Ориф аканинг фалон бет, фалон саҳифада нима ёзилган, деган саволлари қулоғимда ҳалигача жаранглайди. Биздан имтиҳонда шунақа сўрашарди.

– Оилада китобга, мутолаага бўлган муҳаббатни фарзандларга, невараларга қандай сингдиргансизлар?

мумкинки, ўша китоб сизга тўғри йўлни кўрсатади. Китоб ҳақиқатдан ҳам тилсиз-забонсиз дўст.

Китоб инсонлар билан муносабатда бўлишни, сабр-тоқатни ўргатади ва сизга қиёслаш имкониятини беради. Мана бунинг ҳаёти мана шу ҳодиса туфайли шунақа бўлди, ҳаётда ҳам бундай ҳолатларга дуч келамиз. Агарда китобдаги қаҳрамоннинг ўрнида мен бўлганимда қандай йўл тутган бўлардим, – деган савол ўз-ўзидан тугилади. Ҳақиқатан ҳам китоб ўқиган одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди.

– «Оила даврасида» газетасининг китобсевар муштарийларига қайси китобларни ўқишни тавсия қиласиз?

– Ёш китобсеварлар фақатгина ўзбек адабиёти билан чегараланмай, жаҳон адабиёти дурдоналарини ҳам ўқиб туриши керак. Жаҳон адабиётидан Э.Хемингуэй, Ж.Лондон, Лев Толстой, Достоевский, Чингиз Айтматов асарларини ўқишни тавсия қиламан. Чингиз Айтматов асарларида, биласизми, нима бор? Инсон қисматини жуда чуқур тушунадиган хислатлар тасвири бор, уни албатта ўрганиш керак. Чунки ижодкор инсон қисматини биринчи ўринга қўйиши керак. «Жамила» қиссасини фильм кўринишида сахналаштиришгаётган экан. Қиссада оддий воқеа содир бўлади, лекин шу оддий воқеада ҳам жуда катта фалсафа акс этади, инсон тақдири очиб берилади. Ўзимизнинг мумтоз адабиётимиздан Навоий, Лутфий, Румий, Бобур, Фурқат каби мутафаккирлар асарларини ўқишни тавсия қиламан. Бу улуг инсонларнинг асарларида, шу жумладан Фурқатнинг ғазалларида жуда ўқинчли ватан соғинчи ҳақидаги ажойиб фикрлар бор.

Умуман олганда, яхши китоб ўқиш керак. Ҳозир негадир ёшларимиз детектив асарларга шўнғиб кетишган. Детектив асарлар ўз йўлига, аммо бадиий асарларда ҳаёт бор. Китобхонда энг аввало китобхонлик «диди» бўлиши керак.

Ўтқир Ҳошимов дунёдаги саккизинчи мўъжиза ҳақида жуда кўп гапирган эди. Тасаввур қилинг, сиз санъат музейига кирдингиз. Полотнолардаги рангларни, одамларнинг қиёфасини ўз кўзингиз билан кўриб, ҳаяжонга тушасиз. Тасаввур қилинг: сиз магнитофонда мусиқа тинглаяпсиз, чолғу оҳанглари, хонанданинг овозини эшитиб ҳаяжонга тушасиз... Энди тасаввур қилинг, китоб ўқияпсиз. Оқ қоғозда қора чизиклар – ҳарфлардан бўлак ҳеч қанақа ранг йўқ. Ҳеч қим қуй ҳам чалмайди. Аммо китобни ўқишга киришишингиз билан кўз олдингизда рангин манзаралар пайдо бўлади. Қулоғингиз остида ажиб оҳанглар жаранглай бошлайди. Ўзингиз билмаган ҳолда ҳаяжонга тушасиз. Мана шунинг ўзи энг катта мўъжиза эмасми?! Ҳа, бадиий адабиёт ҳеч шубҳасиз – саккизинчи мўъжиза!

Азиз АБДУМАЛИК
суҳбатлашди.



орадан уч йил ўтгач, «Икки эшик ораси» романи қоғозга тўлиқ тушгач англадим. «Икки эшик ораси»дек салмоқли, фалсафий, психологик роман аввалги услубга ҳам, композицияга ҳам сиғиши мумкин эмас экан. Бу роман юз минглаб ўзбек хонадонига кириб борди. Деярли уч юз минг нусхада ўн мартадан ортиқ нашр

– Ўзингиз мактабдаги, университетдаги устозларингизни эслаб турасизми, Ўлмасхон ая?

– Албатта! Ўша пайтларда бизни устозларимиз қаттиққўл бўлишарди. Мактабда математика устозимни жуда яхши кўрардим, исмлари Акбар ака эди. Улар урушдан бир қўлидан ажралиб кел-

ҚИЁФАСИЗ КИМСАЛАР ФОЖИАСИ



«Хаётимиз ўткинчи нарсаларга шу қадар тўлиб кетганки, баъзан шуларсиз ҳаёт ҳаёт эмасдек, шуларсиз бир онимизни тасаввур этолмаймиз гўё. Ҳаётимизда пул, мол-дунё тўплаш, бир-биридан ўзиш шу даражада кескинлашганки, бунинг оқибатида одамлар қариндошми ёки дўст – бир-бирини танмай қиёфасиз кимсаларга айланиб бормоқда...

«Сиз билмайдиган замонларда» ҳикоясида муаллиф Усмон Азим Алпомиш яшаган даврни қаламга олади. Лекин ҳикоя дostonнинг айнан кўчирмаси эмас. Асар маъзига ёзувчи дарди, у яшаётган давр муаммоси сингдирилган. Ҳикояда хабар берилишича, Алпомиш зиндонбанд қилинган, уни ўлган деб ноумид бўлган отаси Бойбўри «воҳ, болам»лаб оламдан ўтади, энаси Кунтуғмиш «паналарда йиғлай-йиғлай» жон беради, сингиси Қалдирғоч Ойнакўлнинг даштида туя боқиб «тиканнинг тагида, бор алами бағрида» ўлиб қолади, Барчин ўзига атаб тикланган қирқ увуқли уйнинг чанғароғига ўзини осади, унга жаноза ўқиган Қултой чолнинг бошини Ултонтоз олдиради, ота изидан йўлга тушган Ёдгор бедарак йўқолади. «Бойсун Кўнғирот эгасиз қолади».

Буларнинг барини Алпомишнинг қайғусини бағрига жо қилган Ҳаққул бахши ёник дард билан куйлайди. «Кўнғиротнинг бошидан ўтганларни эслаб, нортундай бўзлаб, янги дoston айтди. Элидайин мунграйиб, юртидайин инграйиб, овозини созлаб, қаддини ростлаб, душманни қастлаб: «Ростини айтмоқ – тариқат, отам ҳам, энам ҳам – ҳақиқат» деб айтди. Алпомиш Қалмоққа кетганини, мастон кампирнинг қошига етганини, зиндонга тушганини, хат олиб қозлар учганини... Ҳаммасини айтди. Ёв Алпомишни чиритганини, Кўнғиротнинг илдизини қуритганини ҳам айтди. Ҳар сўзни йиғлатиб, одамларни хўнгради айтди.

Қош қорайгандан тонг отгунча айтди. Ултонтознинг зулминиям битта қолдирмай, дўмбирасини толдирмай айтди. Айтди, биродарлар, оғзини тўлдириб, ёлғонларни ўлдириб айтди. Дostonда ҳамма ўзини кўрди, элу юртнинг аҳволини билди».

Келтирилган воқеий парчадаги қахрамонлар ҳалокати ўқувчи диққатини жалб этмай қолмайди. Хусусан, Алпомишга оқ сут берган энаси Кунтуғмиш жон бергач, унинг жанозасини ўқиш учун учта ўзидан кўрмаган одам келгани, тобутни кўтаришга тўртинчи одам топилмагани ҳақидаги хабар айрим замондошларимиз ҳаётига оид аччиқ ҳақиқатларни ёдга солди. Оламни титратувчи халқ бийининг қизи, тенгсиз баҳодир Алпомишнинг сингиси Қалдирғоч жасадининг қузғунларга ем бўлиши лавҳасини дард ва ҳаяжонсиз ўқиш мушкул.

Хўш, ёзувчининг бундай воқеий лавҳаларни яратишдан мақсади нима? Бирор бир асарни яратиш учун қўлига қалам олган ижодкор абадий мавзу танлашга, тарихий асар бўлса ҳозирги замон билан қиёслашга уринади. Усмон Азим ҳам **ҳикоядаги фожиавий нуқталарга мурожаат асосида инсон дарди, инсон қайғуси, буюк Алпомишнинг ўзлигини тобора унутаётган авлоди фожиасига мурожаат этади.** Буни асар аввалиданок англашимиз мумкин.

«Кундузи бошингизда пулнинг ҳисоб-китоби, кечқурун кўзингиз ойнаи жаҳонда – бизнинг замонлар эсингиздан



чикиб кетган. Мен – Эломон бахши нур тўла лаҳадимдан чикиб, хуноба рўзғорингизга кўшилиб юрарканман, шунча ўтган доно дунёдан буларни олиб қолгани мана шу Алдарқўса кутию неча-неча пасткаш аждаҳолар сассик бағрини босган пул экан-да, деб ўпкам тўлади. Ҳа, эси йўқлар! Ҳа, умрининг қадрини билмаганлар!.. Боши борни юкинтириб, тиззаси борни букилтириб, кўзи борни ёшла-тиб, осмону ернинг ишини ташла-тиб, дoston айтган мендай одам ҳам турмушингизга аралашмагани маъқул дейман. Аммо, шер йигитлар, саҳна деган тепада ликилламасдан, бизнинг дўмбирани ҳам бир эшитиб кўринлар! Ёқяптими? Боболарингизни инграган бу оғоч сизни тек қўярми? Шу дириллаб турган икки торга бир улуснинг юрагини жойлаганман-да! Худо кўрсатмасин, кўкрагингизда дард қолмагани-

ни билган кунингиз чақиринг, дўмбиранинг ўзи келиб ўтганнинг ғамларидан бир йиғласа, дунёнгизда кўнгил пайдо бўлиб, жимиллаб турганини кўрасиз».

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам ҳаётимиз ўткинчи нарсаларга шу қадар тўлиб кетганки, баъзан шуларсиз ҳаёт ҳаёт эмасдек, шуларсиз бир онимизни тасаввур этолмаймиз гўё. Ҳаётимизда пул, мол-дунё тўплаш, бир-биридан ўзиш шу даражада кескинлашганки, бунинг оқибатида одамлар қариндошми ёки дўст – бир-бирини танмай қиёфасиз кимсаларга айланиб бормоқда.

Инсон ҳар қандай жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини, ижтимоий-сиёсий йўналишини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий-фалсафий маъно таҳлилдаги ҳикоянинг бадий эстетик маъзиси тайин этади. Ҳикояда амал қилинган тасвирларининг ҳаётийлиги шундаки, унда миллатимизга хос азалий хислатлар ҳам, даврнинг шиддати-ю, маънавиятимизга киритган ўзгаришлари ҳам бутун борлиги билан ўз аксини топади.

Ижодкор ҳаётий ҳолатлар, лавҳаларни сюжетнинг бадий

қирралари билан уйғунликда талкин этиш орқали ғоявий ниятга эришади. Бинобарин, у дастлаб, Эломон бахшига ҳаёт-бахш дoston куйлатиб, руҳий забунлик гирдобиди абгор бўлган Бойсун-Кўнғирот элини оёққа турғизади.

Лекин бу ҳақиқий Алпомишмикан? Ахир дунё бевафо, дўстлик ва садоқат ҳақида ичилган қасамлар омонат-ку!.. Мана шу нуқтада ёзувчи Эломон бахшининг бутун танасидан айрилиш манзарасини чизади. Ёзувчининг бахшини вужудидан айриши рамзий маъно ташийд. Аслида Эломон бахши ишончидан айрилади, орзуларидан жудо бўлади. Нафақат у, балки бутун умр қахрамони кутиб, руҳий изтироблар исқанжасида қолган эл эзилади, эътиқоди бузилади.

Бироқ ўзи тўқиган сохта Алпомиш зулми туфайли ўлим топган Эломон бахшининг ҳалокати китобхонни умидсизликка туширмайди. Ҳатто унинг ўлимини шарафли ўлим дейиш мумкин. Зеро, у хато қилганини, тўғрироғи, адашганини тушунади, ўлими олдидан бўлса-да, ҳақиқатнинг юзига тик қараб, Ҳаққул бахшининг авлиелигига тан беради. Ўз ўлими билан ҳаёт бошқа-ю, ҳаёл бошқа эканини яна бир қарра исботлайди Эломон бахши.

Адабиётнинг умумбашарий ғояларидан бири яшашга, халқ, миллат сифатида ғурурга эга бўлишга ундаш экан, ижодкорнинг бурчи ҳам халқ қалбиди яшашга умид уйғота оладиган асарлар яратишдан иборат. Усмон Азим, биз имкон қадар таҳлилга тортган, ҳикояси орқали бундай вазифани адо этишга эриша олган. Бу ҳикоя орқали адиб миллатдошларимизнинг халқ қахрамонига ташна қалбидан чиққан ўтли нидоларни баралла куйга сола олган.

Шахло ЛАТИПОВА

«Карантиндаги ҳаёт» туркумидан

«КАРНАЙЧИ» ТОҒАМ



Карантиндан олдин ўғлимизнинг тўйини қилиш учун унаштириб қўйган эдик. Буни қарангки, орада карантин бошланиб, тўйнинг белига тепди. Кутишдан бошқа чорамиз қолмади. Илож йўқ. Элга келган тўй-да.

Мана, карантин ҳам сал юмшаб, тўй қилишга рухсат тегди. Аммо, тўйлар ўттиз кишидан ошмасин дегани чатоқ бўлди-да. Бундай ўйлаб қарасам, ўзимизнинг уруғ-аймоғимиз икки юз кишидан ошадиган. Ҳали бу ёқда дўст бор, ёрон бор, маҳалла-қўй бор. Нима қилишга ҳам бошим қотди.

Бир куни маҳаллаком Озод оға эрта билан уйга келди.

– Ёшулли, тўй бошлабсиз, ўнг бўлсин, – деб гапни кутлашдан бошлади. Мен бўлсам, қўлимни кўксимга қўйиб «куллук» деб турибман.

– Энди, оға, ўзингиздан қолар гап йўқ. Тўйни ўттиз кишилик қиласиз. Ихчамгина камхарж қилиб ўтказамиз. Бунинг учун тўйга келувчиларни рўйхат қилинг, мен кўриб, муҳр қўйиб бераман. Агар тўйга ўттиз кишидан ошиқ

одам айтсангиз ўзингиздан кўринг, нақ жаримага тортиласиз.

Хуллас калом, тўйга келувчиларнинг рўйхатини туздик. Уни айтсанг бу қоляпти, буни айтсанг у. Нима бўлса-бўлар, деб икки юз эллик кишини хатга аранг сиғдирдик. Буни кўриб оксоқолнинг ҳуши бошидан учди.

– Бунақаси кетмайди, оға, – деб ўттиз кишидан падини қизил ручкаси билан чизиб ташлади. Ҳай-ҳай деганча қолдим.

Уйга келиб хатга диққат билан разм солсам, яккаю ягона Абдусамад тоғам рўйхатда ўттиз биринчи бўлиб турибдилар денг. Усти чизиб ташланган. Аёли ўттизинчи ўринда. Ана энди кўринг томошани. Буни эшитган онам йиғини бошладилар.

– Яккаю ягона жигаримни тўйга

айтолмасам, мен қандай опа бўлдим!..

Онамни опаларим билан бирга юпатишга ҳаракат қиламиз, қани энди гапга тушуна қолсалар...

– Хўп-хўп, бир иложини топармиз, ойи, хали тўйга уч-тўрт кун бор-ку, – дедим юпатиб.

Хуллас, тўй куни етиб келди. Тоғам ҳақида бир дўстимга маслаҳат солдим.

– Бе-э, шу ҳам муаммоми? Йўли осон-ку. Агар Озод оксоқол мумкинмас, деб оёқ тираб олса, тоғангизни санъаткорлар қаторига қўшиб қўяколамиз. Чунки артистлар тўйда ўттиз кишилик ҳисобга кирмайди, нима дединг?

– Буни қара, шу калламга келмаган экан. Даҳосан, даҳо, – дедим хурсанд бўлиб дўстимга.

Абдусамад тоғам тўйга тўёна билан кириб келди. Озод оғанинг қўлида рўйхат денг. Бирма-бир ўқиб, меҳмонларни жойига ўтказяпти. Бирдан юрагим шиг этиб

кетди. Дарров жўрам билан тоғамни четга тортиб, шундай-шундай, тоғажон, айбга буюрмайсиз, деб «йўл» ўқий бошладик. Тоғам бир менга, бир ҳалиги дўстимга қараб, оғзи очилиб қолди. Дўстим дарров санъаткорлар даврасига шошиб бориб, битта карнай кўтариб келди.

– Тоғажон, шундай бўлиб қолди. Энди сиз мана шу карнайни кўтариб, тўғри санъаткорларнинг даврасига бориб ўтирасиз. Чалмасангиз ҳам майли, – дедим йиғлашимни ҳам, қулишимни ҳам билмай. Тоғам ҳам зап тушунадиган одам-да, шартимизга дарров қўна қолди. Қўлига карнайни кўтариб тўғри тўй даврасига кириб кетди. Ҳамма ҳайрон. Озод оксоқол ҳам карнай тутган тоғамни кўриб қўлини кўксига қўйиб, тавозе билан салом бериб, давранинг тўрига ўтказди. Мана, бўларкан-у, дедим ўзимга. Худога шукр, деб қўйдим. Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди...

Ана шунақа гаплар. Тўйни бир амаллаб ўтказиб олдик. Аммо шу тўйдан кейин тоғам Абдусамад карнайчи деган номни олди-да.

Болтабой МУҲАММАД ҚУРБОН



ТЎЛАНМАГАН ЖАРИМА

Секинлашишдан олдин спидометрга қаради. Тезлик 50 бўлган жойда 73 билан ҳайдаётганди. Ва шу тўрт ой ичида тўртинчи бор тўхтатилиши эди.

ИПХ ходими кўлида қалин бир дафтар билан машинадан тушди. Бу унинг кўшниси эди. Бу ҳол жаримадан ҳам баттар бўлди. Энг ёмони, кўшни бўлишига қарамай уни тўхтатгани эди, бунинг устига йўл қондаси бузилган.

— Салом, — деди ходим. — Бир-биримизни бу аҳволда кўришганимиз ғалати бўлди-да.

— Аёлим ва болаларимнинг ёнига кетаётганимда мени тўхтатдинг.

— Ҳа, шундай.

ИПХ ходимининг эса парвойи фалак эди.

— Охирги пайтларда уйга кеч қайтаётганим. Болаларим мени анчадан буён кўришмади. Яна, аёлим бу оқшом бирга овқатланишимизни сўраган эди. Нима демокилигимни тушунгандирсан?

— Ҳа, тушунапман. Лекин йўл қои-



даларини бузганингни ҳам билипман, — деди ходим.

«Эҳ, бундан қутила олмайман, шекилли», деб ўйлади-да, бошқа усулга ўтди. Машинасидан тушиб:

— Мени қанча тезлик билан ушлаб олдинг? — деди.

— Етмиш. Илтимос, машинангга чик.

— Сени кўрганимда, 65 билан кетаётганим...

— Илтимос, машинангга кир, — деди йўл хизмати ходими. Сўнг дафтарига

нималарнидир ёзиб, машина ойнасидан унга бир қоғоз узатди-да, ўзи кетди. «Бу жазо эмас» деди ўзига-ўзи ва хурсанд бўлди ҳайдовчи. Жарима қоғозидан шундай ёзилган эди:

«Азиз, дўстим. Менинг биттаю битта кизим бор эди. Олти ёшида тезлик билан келаётган машина остида қолиб ҳалок бўлди. Фалокатдан сўнг ҳайдовчи жазосиз қолмади, албатта. Уч ой камалиб чикди. Озодликка чикқач, яна оиласи бағрига қайтиб, болаларини куча олгандир, эҳтимол. Аммо, мен... Мен кизимни энди ҳеч қачон бағримга боса олмайман. Жуда кўп маротаба у одамни кечиршига ҳаракат қилдим. Балки кечиргандирман, лекин ҳали ҳам кизимни соғиняпман. Илтимос, мени дуо қил ва йўлда диққатли бўл. Ҳозир, битта ўғлим қолган».

Ҳайдовчи ўн беш дақиқача ўзига келолмади. Кейин машинани ўт олдириб, секин-секин уйга борди. Олдига югуриб чикқан болаларини меҳр билан бағрига босди ва юзларидан ўпди.

«Сирли, ибратли ва ҳаётий воқеалар»дан.

Ижтимоий тармоқлар оралаб...



ЎЛДИНГ-ҚУТУЛДИНГ!

Наманганда ўзини ёқиб юборган аёл воқеаси барчани ларзага солди. Мен масаланинг юридик, техник ёки диний томонига эмас, инсонийлик томонига эътибор қаратмоқчиман.

Ҳали энди 35 ёшга кирган, соғлом, икки фарзанднинг боқувчиси бўлган ва энг асосийси ўлишни хоҳламаган ва ўлмасликка ҳаракат қилган аёл дахшатли ўлим топди.

МИБчилар ўз ишларини қилганлар ва қонунни бузмаганлар дейиш мумкин. Аммо дунёдаги ҲЕЧ ҚАНДАЙ ҚОНУН, ҲЕЧ ҚАНЧА УНДИРИЛАДИГАН ПУЛ ЁКИ ТОРТИБ ОЛИНАДИГАН УЙ БИР ИНСОННИНГ УМРИГА АРЗИМАЙДИ.

Инсон ўзини ёқишга тайёрами, демак шунга сабаблари бор. Давлат ва унинг хизматчилари фуқаронинг муаммосини ўрганиб, унга ечим топишнинг ўрнига унинг ўлимига сабабчи бўладиган бўлсалар ёки қонунлар нотўғри ёки улар қонунларни нотўғри қўлламоқдалар.

Қонунлар одатда менинг, сизнинг, ёниб кетган аёлнинг ҳаётимизни фаровон қилиш ва чиқиб бўлмас вазиятда қолиб ўзимизни ёқмаслигимиз учун қабул қилинган. Бечора аёлга, ўз ватандошига, ўзи хизматида бўлган фуқарога ўз устига бензин қуйиб бўлганидан кейин ҳам 15 дақиқа давомида яшаб қолиш имконияти тақдим қилинмаган.

Мен МИБ идорасининг яратилиши ва чала ўйланган тизимнинг йўлга қўйилиши «Янги Ўзбекистон»нинг энг машъум хатоларидан бири деб биламан. Бу идоранинг хизматчиларидан республикада жабр кўрмаган оила қолмади ҳисоб. Мен ҳали умри ҳазон бўлган ва ўлиб қутулганларни айтмаяпман.

Намангандаги аёл ўлиб қутулди. Икки норасида етим қолди. Уларнинг уйларининг тақдири ҳали ҳам МИБнинг қўлида. Ҳақиқат эгилади, букилади, керак бўлса ёниб кетади.

Ёниб кетган, ўлиб қутулган юртдошим, жойинг жаннатда бўлсин!

ЖАВОҲИР

Изоҳ шарт эмас

Бугун ғамгин ташлашар назар, Ҳол сўрашар астагина ё —

Дўппи ёхуд чопон кийсанг гар, Жиддий, хомуш юрсанг мабодо.

Буни ҳатто ўрис ҳам билар, Кўниккан бу эл аҳволига — Кимдир ўлар, нимадир бўлар Ўзбек қайтса асл ҳолига!



Аъзам ЎКТАМ

ИНТЕЛЛЕКТ

Ердаги ҳаёт сири

Олимларнинг фикрича, галактикадаги айрим сайёралар Ерга нисбатан бир қадар афзалликка эга. Лекин уларда ҳаёт йўқлиги сабабли ҳозиргача ўлик сайёралар сифатида қаралиб келяпти.

Мутахассислар Ердаги ҳаётнинг сири нимадалиги хусусида узоқ мунозаралар қилишган. Хулоса шу бўлганки, Ерда бир мавжудлик унда ҳаёт бўлиши учун замин яратган.

Савол: бу ўринда Ердаги ҳаёт сири сифатида олимлар нимани назарда тутган?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Telegram: (+998 97) 444-80-84
Газетамизнинг 2020 йил 24 сентябрь 38-сонидан берилган саволнинг жавоби: Эчки.

ПАЗАНДАЛИК


ОЛМАЛИ ПИРОГ

Керакли масалликлар: 200 грамм сариеғ, 200 грамм шакар, 5 дона тухум, 1 чойқошиқ қабартма (разрыхлитель), 300 грамм ун, 3 дона олма.



Тайёрланиши: хона ҳароратидаги сариеғни шакар билан миксер ёрдамида кўпиртирамиз. Шакар эриб сариеғнинг ранги оқаргандан кейин тухумни битта-биттадан солиб кўпиртиришни давом эттираемиз. Ун устига қабартма солиб аралаштираемиз ва кўпиртирилган сариеғ устига солиб, миксер ёрдамида аралаштираемиз. Олмаларнинг пўстини артиб кичкина тўртбурчак шаклида тўғраб оламиз. Ва тайёр хамир билан аралаштираемиз. Фергамент тўшалган пагнисга солиб, 180 даража ҳароратда 25-30 дақиқа давомида пишириб оламиз. Ёқимли иштаҳа.

ЎТКИР НИГОҲ



Онлайн дарс...

Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ сизган сурат.

ЛАТИФА 😊😊😊

Қовун туширди

Менинг бувам «Титаник» чўкиб кетиши ҳақида огоҳлангирган эди! «Ҳозир айсбегга урилади! Ҳозир чўкиб кетади», деб роса бақирганди. Лекин уни кинотеатрдан ҳайдаб чиқаришди-да!

😊😊😊

Ҳайдовчилик гувоҳномаси олишга имтиҳон топшириб келган хотинидан эри сўрабди:

— Хўш, нима бўлди? Топширдингми?

— Йўқ! — дебди хотини.

Эри:

— Қовун туширдингми? — деса, хотини:

— Қовун эмас, дарахт тушди. Мўрт экан, машинам тегиб кетганди, тушиб кетса бўладими? — дебди.

😊😊😊

Профессор талабага:
— XV асрда яшаган буюк олимлар тўғрисида бирор маълумот айта оласизми?

Талаба:

— Албатта! Уларни барчаси аллақачон вафот этишган.



Mustahkam oila — yurt tayanchi

«Оила даврасида» газетаси тахририяти» масъулияти чекланган жамияти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши; Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши; «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси; «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти; «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси; Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган. Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Ҳусниддин
БЕРДИЕВ

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-1037
ISSN 2181-6190
Обуна индекси — 193
Адади: 1 646 нуска.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Оффсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00

ISSN 2181-6190



123456